



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 1 январь, № 1 (5421)

Якшанба

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!
Мухтарам дўстлар!
Мана шу файзли оқшомда байрам дастурхони атрофида жамулжам бўлиб, янги йилни кутиб олаётган сиз азизларни, бутун халқимизни ушбу кутлуг айём билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг самимий хурмат ва эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.

Мана шу шуқуҳли дамларда якунига етаётган 2011 йилни кузатар эканмиз, мамлакатимиз тараққиётида рўй берган улкан ўзгариш ва янгиликларни, қўлга киритилган ютуқ ва марралар қаторида ўз оиламиз ва яқинларимиз бошидан кечирган ташвиш ва муаммолар, янгилик ва хурсандчилик етказган кунлар барчамизнинг кўз ўнгимизда беихтиёр намоён бўлиши табиийдир.

Ўйлаётганимиз, ҳаммамиз бир фикрга қўшилишимиз — 2011 йил, энг аввало, эл-юртимизни янги, обод ва озод, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга бошлаган буюк тарихий ва кутлуг сана — Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигини кенг нишонлаш йили бўлгани билан хотирамизда сақланиб қолади.

Шу маънода, 2011 йилни биз босиб ўтган 20 йил мобайнида халқаро майдонда тан олинган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган, юртимизнинг, ўлкамизнинг қиёфасини тобора ўзгартириб бораётган мамлакатимиз тараққиёт йўлининг узвий бир қисми, мантаний давоми, деб қабул қилсак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ҳеч кимга сир эмас, ҳар қайси йилнинг келиши ўзига хос хусусиятлари, табиат ва ҳарорат инжиқликлари ва ўзгаришлари, сув танқислиги ва турли аломатлари билан бири-биридан ажралади туради. Лекин, поёнига етаётган йил қандай қийинчилик ва мураккаблик келтирмасин, 2011 йил мамлакатимиз ва халқимиз учун самарали ва хосиятли бўлди, деб айтишга тўлиқ асосларимиз бор.

Дунёдаги энг нуфузли молиявий ташкилотлардан бири бўлмиш Халқаро валюта фонди томонидан таъкидланганидек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг давом этиши ва салбий таъсир ўтказишига қарамастан, Ўзбекистон санокли давлатлар қаторида 2011 йилда ҳам ялпи ички маҳсулотнинг 8,3 фоизга ўсишини таъминлаб, шу асосда охириги 5-6 йил давомида иқтисодий-иқтисоднинг барқарор юқори суръатлар билан ривожланиши бежиз эмаслигини исботлаб берди.

Жорий йил давомида мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, ҳаётимизнинг барча жаҳдаларини эркинлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш йўлида катта ишлар амалга оширилганини кўп-кўп мисолларда яққол кўриш мумкин.

Ўтган давр мобайнида илгари фақат оруз қилиш мумкин бўлган марраларга эришганимиз, аввало, биз танлаган йўлнинг ҳар томонлама тўғри эканини тасдиқлаб бермоқда. Хусусан, иқтисодий-иқтисоднинг локомотиви бўлмиш янги ишлаб чиқариш



тармоқларига асос солганимиз, ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилгани, ёқилги-энергетика, тоғ-кон саноати, кимё, автомобилсозлик, капитал қурилиш, транспорт ва коммуникация, энгил саноат каби етакчи тармоқларнинг жадал ривожланиб бораётгани ана шундай ютуқларга мустақиман пойдевор бўлмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Айниқса, фидойи деҳқон ва фермерларимизнинг бу йилги маъсумда оғир табиий қийинчиликларни мардонавор энгиб, 6 миллион 800 минг тонна галла, 3 миллион 500 минг тоннага яқин пахта хирмони бунёд этгани, 8 миллион 200 минг тоннадан зиёд сабзавот ва полиз, қарийб 3 миллион тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштириб, янги йилни ёруғ юз билан кутиб олаётгани ҳар қанча таҳсинга сазовордир.

Иқтисодий соҳасида биз эришган ана шундай салмоқли натижалар, ўз навбатида, 2011 йилда иш ҳақи, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори 20,2 фоизга, фермерлар 26,2 фоизга кўпайиши, аҳолининг реал даромадлари эса 23,1 фоизга ошиши учун имкониятлар тўғрида берганини алоҳида қайд этиш зарур.

Шу борада 2011 йилда иқтисодий-иқтисоднинг модернизация ва диверсификация қилиш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик соҳаси учун кенг имконият ва имтиёзлар яратиб бериш ҳисобидан мамлакатимизда 1 миллионга яқин иш ўрни ташкил этилгани бандлик масаласини ҳал қилишда муҳим қадам бўлди.

Яқунига етаётган йил инсон манфаатини биринчи ўринга қўйдиган улкан устувор лойиҳалар

ани амалга оширганимиз билан ҳам тарихимизда муносиб ўрин эгаллайди. Мустақиллик йилларида аҳоли саломатлигини мустақиман ўйлашдаги амалий ишларимиз натижасида одамларимизнинг ўртача умр кўриш давражаси сезиларли равишда ошгани, оналар ва болалар ўлими кескин камайгани, биз қўлга киритган бундай ютуқлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНЕСКО ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юксак эътироф этилаётгани, албатта, барчамизга катта гуруҳ ва ифтихор бағишлайди.

Биз учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия соҳасида 2011 йилда бажарган улғун ишларимиз, уларнинг самараси ҳақида ортқча гапиришнинг ҳолати йўқ, деб ўйлаётган. Энг муҳими, ана шундай беқиёс имкониятлардан баҳраманд бўлиб, тобора Ватанимиз истиқболлини белгилаб берадиган ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган навқирон ўғил-қизларимиз ўзининг дастлабки, умидбахш ютуқлари билан барчамизни қувонтирмоқда.

Шу ҳақда гапирар эканмиз, бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимизни истардим. Кўпни кўрган, захматкаш халқимизнинг машаққатли меҳнати эвазига эришган, тасаввур этишининг ўзи қийин бўлган бундай юксак марраларимизнинг пойдевори, энг катта бойлигимиз бўлмиш — юртимизда ҳўк сураётган тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат ва бағрикенгликни, миллатлараро тотувлиқни кўз қорачиғидек асраш, бугун биз бошимиздан кечираётган нотинч ва таҳликали замонда доимо хушёр, оғоҳ ва сезгир бўлиб яшаш, ёшларимизни миллий ғоя руҳида тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбини турли

зарарли таъсирлардан ҳимоялаш ҳозирги кунда нақадар долзарб ва муҳим вазифага айланаётганини унутмаслигимиз даркор.

Азиз дўстларим, қадрдонларим!

Биз кириб келаётган янги — 2012 йилга мамлакатимизда “Мустақам оила йили” деб ном берганимиз бежиз эмас, албатта. Бунинг негизиде юртимизда оила институтини, аввало, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила таянчи бўлган аёлларимизнинг оғирини энгил қилиш, маҳалла тизимининг бу борадаги ролини кучайтириш, мухтасар айтганда, оила фаровонлигини ва шу асосда бутун халқимиз фаровонлигини янада ошириш каби мақсадлар мужассам эканини, ўйлаётганимиз, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Янги — 2012 йилга мўлжалланган режаларимизда Давлат бюджетининг 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, унинг аксарият қисми юқорида зикр этилган соҳаларни таъминлашга, аввало, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият тармоқларини юксалтиришга қаратилган. Иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар миқдори 20 фоизга, аҳолининг реал даромадлари эса 22-24 фоизга кўпайиши белгиланмоқда.

Янги йилда икки йил олдин бошланган ва халқимизни, аввало, қишлоқ жойларда яшаётган аҳолининг келажагини ўйлаб амалга оширилаётган, бутун жамиятимизнинг эътибор марказида турган, яъни қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойларни қуриш, коммунал-маиший шароитларни яратишга қаратилган дастурни давом эттириш кўзда тутилмоқда. 2011 йилда 7 минг 400 та оила умумий майдони 1 миллион 100 минг квадрат метр бўлган, ҳар томонлама қулай уй-жойларга, замонавий шароитларга эга бўлган бўлса, 2012 йилда 8 минг 510 та оила шаҳар шароитидан ҳеч кам бўлмаган ана шундай янги уй-жойларга кўчи кириши мўлжалланмоқда.

Янги йилга мана шундай олижаноб мақсадлар билан қадам қўяр эканмиз, кириб келаётган йилда барча холис ниятларимиз ижобат бўлмай, иншооллоқ.

Азиз ва мухтарам ватандошларим!

Барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган Янги — 2012 йил билан яна бир бор самимий табриқлайман.

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда қалбимдан, юрагимдан чиқаётган энг эзгу тилақларни изҳор этаман:

кексаларимизнинг умри узок бўлсин, опа-сингилларимизнинг чеҳрасидан табассум аримасин, ёшларимизнинг бахту иқболлини берсин.

Янги йилда ҳам Яратганимиз ҳаммамизни ўз паноҳида сақласин, ўзи асрасин.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.



Ўзбекистон халқига энг эзгу тилақлар йўлланган.
Жумладан, қуйидагилар ўз самимий табриқларини йўллашган:

Хитой Халқ Республикаси Раиси
Ху Цзиньтао;

Корея Республикаси Президенти
Ли Мён Бак;

Франция Республикаси Президенти
Николя Саркози;

Испания Қироли
Хуан Карлос I;

Норвегия Қироли
Харальд V;

Венгрия Республикаси Президенти
Пал Шмитт;

Латвия Республикаси Президенти
Андрис Берзиньш;

Словения Республикаси Президенти
Данило Тюрк;

Эрон Ислам Республикаси Президенти
Маҳмуд Аҳмадинежод;

Афғонистон Ислам Республикаси Президенти
Ҳамид Карзай

Мўғулистон Президенти
Цахиагийн Элбэгдорж;

ҚХДР Олий Халқ Мажлиси Президенти Раиси
Ким Ён Нам;

Арманистон Республикаси Президенти
Серж Саргсян;

Молдова Республикаси Президенти
вазифасини бажарувчи,
Парламент Раиси
Мариан Лупу;

Канада Генерал-губернатори
Дэвид Жонсон;

Янги Зеландия Генерал-губернатори
Жерри Матепарае;

Ливан Республикаси Президенти
Мишел Сулаймон;

Мали Республикаси Президенти
Амаду Тумани Туре;

МДҲ Ижроия қўмитаси Раиси — Ижро этивчи котиби
Сергей Лебедев;

Коллектив хавфсизлик шартномаси Ташкилоти Бош Котиби
Николай Бордюжа;

Давлатлараро авиация қўмитаси Раиси
Татьяна Анодина;

Москва ва Бутун Русь Патриархи
Кирилл;

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги президенти
Садако Огата;

«Боинг» компанияси ижрочи вице-президенти
Жим Албау;

«ЛУКОЙЛ» компанияси президенти
Вагит Алекперов;

Табриқномалар келиши давом этмоқда.

Хушхабар

Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Покистоннинг Исламобод шаҳрида бокс бўйича ўтказилган нуфузли халқаро турнирда биринчи ўринни эгаллади.

Боксчиларимизнинг ёрқин ғалабаси

Ушбу мусобақада дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан 130 нафардан зиёд энг моҳир чарм кўлқоп усталари ўн вазн тоифасида голиблик учун куч синашди. Элшод Расулов, Орузбек Шоимов, Фазлиддин Ғоибназаров, Санжар Раҳмонов, Аббос Атоев ва Хуршид Норматов турнир голибли бўлишди. Финалда рингга чиққан Шухрат Абдуллаев, Аҳмадjon Мамажонов ва Рустам Тўлаганов эса кумуш медал билан тақдирланди.

Жасурбек Латипов ва Изахатулла Эргашев халқаро турнирнинг бронза медалига сазовор бўлди.

Боксчиларимиз умумий ҳисобда олтин, кумуш, иккинчи ва бронза медалларига эгаллик қилиб, юртимиз бокс илҳосмандлари учун муносиб Янги йил совғасини тўхфа этишди.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Кириб келаётган Янги — 2012 йил муносабати билан давлатимиз раҳбари Ислам Каримов номига хорижий мамлакатлар, ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ҳамда сиёсат ва жамоат арбобларидан самимий қутловлар келмоқда. Мазкур табриқномаларда қизгин муборакбод сўзлари изҳор этилиб, Юртбошимизга ва

ПРЕЗИДЕНТ СОВГАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Гулистон шаҳрида “Президент арчаси” байрам тадбири ташкил этилди.

Унга вилоятдаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандлари, шунингдек, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари тақлиф қилинди. Безатилган арча атрофидаги байрам томошалари кечанинг жажжи иштирокчиларига олам-олам завқ бағишлади. Кичикинтойларга байрам совгалари улашилди.

Шунингдек, ёлғиз қариялар ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, уларга “Нуроний”, “Маҳалла” жамғармалари ҳамда ҳомийлар томонидан совғалар топширилди.

Наманган шаҳридаги Алишер Навоий номли вилоят мусикали драма театрида ташкил этилган “Президент арчаси” байрам томошалари болажонлар учун катта тантанана айланди.

Байрам меҳмони бўлган 26-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, шаҳар ва туманлардан тақлиф этилган кўп болали оилалар фарзандлари Янги йил арчаси атрофида жам бўлдилар.

— Бугунги шодиёна ва Янги йил совгалари учун Юртбошимизга раҳмат, — дейди 26-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Ирода Боймирзаева. — Президентимиз биз каби ёш авлоднинг бекаму кўст уни-ўсиши учун катта ғамхўрликлар қилмоқда. Бугунги “Президент арчаси” томошалари ҳам узок вақт ёдимизда қолади.

Жиззах шаҳридаги “Баҳора” тантаналар мажмуасида “Президент арчаси” байрам тадбирига 280 нафардан зиёд кичикинтойлар тақлиф этилди.

— Бундай шодиёналар вилоятнинг барча маҳаллаларида ҳам ташкилланган бўлиши, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Қ. Эргашев. — Катта арча атрофида уюштирилган кечада байрамнинг жажжи иштирокчиларига Президент совгалари топширилди.

Шунингдек, “Президент арчаси” байрам тадбирлари мамлакатимизнинг барча минтақаларида юксак савияда ташкил этилмоқда.

Журналистикамиз тараққиёти ва истиқболи

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш борасида изчил ислохотлар олиб борилмоқда.

Хусусан, сўнгги йилларда оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, ижтимоий-сиёсий ҳамда социал-иқтисодий ислохотларнинг очкилиги ва

ошқоралигини таъминлашда уларнинг фаоллигини оширишга қаратилган ўнлаб қонунлар қабул қилинди. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик

жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини

Муносабат

ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида илгари сурилган ғоя ва тақлифлар, айниқса, бу борада янги босқични бошлаб берди, десак,

муболага бўлмайди. Негаки, ушбу дастуриламал хужжатда оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Президентимизнинг кеча

матбуотда эълон қилинган “Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида”ги қарори ҳам мана шу мақсадларга йўналтирилгани билан ниҳоятда аҳамиятли бўлиб, ушбу

(Давоми 2-бетда).



2012

Бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша келажагини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

Ислом КАРИМОВ.



МУСТАҲЖАМ ОИЛА ЙИЛИ

Кириб келаётган йил Президентимиз томонидан "Мустаҳжам оила йили" деб эълон қилинди. Бунинг замирида жамиятимиз таянчи бўлмиш оила институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва миллий урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш каби улугвор мақсадлар мужассамдир. Бу борада, айниқса, ҳаётимиздан тобора чуқур жой эгаллаётган маҳалла муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "мустаҳжам оила" деган гоёнинг ҳаётимиздаги амалий ифодасини кўришда, ҳеч шубҳасиз, маҳалланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Айниқса, ёш оилаларнинг мустаҳжам оёққа туриб олиши учун елкадош бўлишда маҳалланинг роли ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Муқаддас кўрғон

Шундан келиб чиқиб, фаолиятимиз давомида ушбу жиҳатларга алоҳида эътибор бераёلمиз. Хусусан, маҳалла фаоллари, кўчабошилар, бой ҳаётий тажрибага эга кайвонилар билан биргаликда хонадонларда бўлиб, кенг тушунтириш ишлари олиб бораёلمиз. Ёшларни "оммавий маданият" ва бошқа зарарли иллатлар таъсиридан асраш, тўй-ҳашамларни кам-

Дил сўзи

ҳаракатлар натижасида ўтган йили маҳалламизда ажралиш ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўлмади. Донишманд боболаримиз билиб айтган: "Оила тинч — маҳалла тинч, маҳалла тинч бўлса, юрт тинч

бўлади, тараққий этади". Шу ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиқиб, ўтган йилги фаолиятимизни сарҳисоб қилиб, янги йилдаги режаларимизни белгилаб олдик.

Ҳаракатлар натижасида ўтган йили маҳалламизда ажралиш ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўлмади. Донишманд боболаримиз билиб айтган: "Оила тинч — маҳалла тинч, маҳалла тинч бўлса, юрт тинч

Санобра УСМОНОВА, Янгиер шаҳридаги "Обод юрт" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Дўстлик» ордени соҳибчи.

Яна бир ёшга улгайдик. Яна янги ниятлар, мақсадлар сари қадам ташладик. 2011 йилда кўрган-билганларимиз, эришган муваффақиятларимиз асло ёдимиздан кўтарилмайди. Айниқса, мен учун поёнига етган йил бир умрлик унутилмас хотиралар, ажойиб таассуротларни тухфа этди.

Ажойиб таассуротлар, унутилмас хотиралар



эйтироф этдилар. Бу энг улуг совға бўлди. Баъзан отам — Муҳаммадали Жўраев "Сенда ўз орзуларини кўраман", деб қоладилар. Бу гапнинг маъносини мана энди чуқурроқ англаб еталаман. Сабаби, бир пайтлар отам ҳам футболчи, таниқли дарвозабон бўлишни ният қилган эканлар. Аммо ўша даврда шарт-шароит йўқлиги туфайли бу мақсадлари амалга ошмай қолиб кетган. Ҳозир-чи? Ҳамма имконият бор. Мендек чекка бир қиш-

Спорт, хусусан, футбол оламига кириб келганимга унча кўп вақт бўлгани йўқ. Очиғи, ҳали ҳаётнинг пасту баландини ҳам яхши билмайман. Лекин шу озод

Энг гуллаган ёшлик чоғимда...

юртнинг бир фарзанди сифатида жуда кўп қувончли ютуқларга эришдимки, бундан фахрланаман. Шундан бири 2011 йил ёзда Мексикада ўсмирлар ўртасида (U-17) ўтказилган жаҳон чемпионатидир. Терма жамоаси мана шундай нуфузли мусобақада иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритганида кимлардир бунга тасодиф, деб ҳам атади. Кимлардир шунчаки омадга йўйди. Ундай гапларга парво қилмадик. Аксинча, майдонга тушганимизда Президентимизнинг "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз" деган сўзларини дилимизда такрорлаб, ҳар бир ўйинга ҳозирлик кўрдик. Ана шу ишонч, ана шу кайфият билан АКШ, Чехия, Австралия каби номдор рақибларни мағлубиятга учратишга муваффақ бўлдик. Мунданинг энг кучли саққиз жамоасидан бирига айландик. Жаҳон чемпионатидан қайтганимизда аэропортдаги тантана ғалабамиз нақадар ноёб бўлганини ифодалади. Биз, ёшларни қўллаб-қувватлаб, ғамхўрликлар билан сийлаб келаётган муҳтарам Юртбошимиз эришган ушбу муваффақиятимизни юксак баҳолаб, алоҳида

лоқдан чиққан боланинг жаҳон чемпионатида иштирок этганининг ўзи бунинг яққол тасдиғидир. Умуман, футболимиз тарихида яқунланган мавсум ёрқин ғалабаларга бой бўлди. Хусусан, Қатар давлати мезбонлиги қилган Осиё Кубогида Ўзбекистон миллий терма жамоаси қитъадаги энг кучли тўрт терма жамоа сафидан жой олди, Қаршининг "Насаф" клуби 2011 йилги ОФК кубогини қўлга киритди. Яқинда Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида ОФКнинг мавсум якунларига бағишлаб ташкил этилган нуфузли анжуманида Ўзбекистон миллий терма жамоаси сардори Сервер Жепаров "Осиёнинг энг яхши футболчиси", ФИФА реферилари, ҳамюртларимиз — Равшан Эрматов "Осиёнинг энг яхши ҳаками", Абдухамидулла Расулов эса "Осиёнинг энг яхши кенг ҳаками" деб топилди. Буларнинг барчаси ўзбек футболининг ютуғидир. 2012 йилда ҳам мана шундай қувончли дамларимиз давом этиб, оилаларда тинчлик, хотиржамлик барқарор бўлсин. **Аббосбек МАХСИТАЛИЕВ,** футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси.

Дугоналар дилидаги сўз

Зебо МИРЗОҲИДОВА, Элвина КАРИМОВА, П. Боровский номидаги тиббиёт коллежи ўқувчилари:



— Байрамни дўстлар билан бирга нишонлашнинг ўзгача гаши бор. Коллеждаги яқини назорат имтиҳонларини муваффақиятли топшириб олганимиздан хурсандимиз. Байрам баҳона Мустақиллик майдонидаги гўзал арча ёнида эсдалик учун суратга тушидик. Қорбобо бошловчилик қилган интеллектуал беллашувда иштирок этиб, голиб бўлдик. Кўнглимизда орзулар кўп. Коллежни титириб, мустақил ҳаётга қадам қўйганимиздан сўнг ҳам ютуқларга, катта муваффақиятларга эришсак, келажақда билимли, малакали шифокор бўлсак, деймиз. Янги йилда ана шу орзуларимизга етишиш учун янада кўпроқ ўқиймиз-изланамиз.

Шоуду хуррамлик саодати

Хуррам ота ОБЛОҚУЛОВ, Шаҳрисабз тумани:

— Минг шукрки, ўн фарзандим, ўттиз набирам бор. Болаларимнинг бари ўқиймишди, касбу қорли, уй-жойи, олиси тинч, бахти бут. Шуларнинг роҳатини кўраётганимдан, катта ва аҳил оиламиз билан байрамни нишонлаётганимиздан бениҳоя хурсандман. Янги йилни Тошкентда кутиб оламиз, деб кенжатоим — рассом ўғлим бизни шаҳарга олиб келди. Пойтахтимизнинг гўзаллиги баҳридиллимизни очди, кўнглимиз янаям ёришди. Набираларни олиб, театр томошасига бордик, муҳташам "Маърифат маркази"ни томоша қилдик. Таассуротларимиз бир олам. Мустақиллик майдонидаги шодиёналарни айтмайсизми... Буларнинг бари фаровонлигимиз ва бахтли турмушимиз ифодасидир.



БАЛИҚ ЙИЛИНИНГ ХОСИЯТИ

Янги — 2012 йил мучал йил ҳисоби бўйича бешинчи, яъни балиқ йилидир. Ҳайвонлар номи билан аталувчи мазкур 12 йиллик ҳисоб Шарқий ва Марказий Осиё мамлакатларида кенг тарқалган тақвим ҳисобланади. Қадимий ёзма манбаларда келтирилишича, у Юнон-Бақтрия пошоллиги даврида кўчманчи чорвадор халқлар томонидан яратилган.

Сўнгра Мўғулистон, Хитой, Япония, Хиндистон, Миср, Ироқ, Эрон, Афғонистон, шунингдек, Ўрта Осиё давлатларида юритила бошланган. Баъзи манбаларда эса унинг ватани Хитой ва Миср эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Мучал ҳисобига хосиятли ва муқаддас саналган 12 та ҳайвон киритилган бўлиб, булар — сиқон, сигир, йўлбарс, қуён, балиқ, илон, от, қўй, маймун, товуқ, ит ва тўнғиз. Бу рўйхат қадимий халқларнинг ҳайвонларга сизиниши орқали вужудга келган. Шу боис баъзи халқларда айрим ҳайвонлар ўрнига ўзлари учун муқаддас

саналган бошқа жониворлар киритилган. Масалан, Хитойда кира кира келадиган балиқ йили афсонавий аждаҳо номи билан аталса, Африканинг айрим халқларида тимсоҳ йили деб юритилади. Қадимий ривоятларга қараганда, мучал ҳисобидаги ҳар бир йилда муайян воқеа-ҳодисалар содир бўлади. Шу боис кириб келаётган йил — кўпчиликка оилавий хотиржамлик, хушқайфият ва кўплаб соҳаларда муваффақиятларни



Мучал

ваъда қилмоқда. Чунки аввалги балиқ йилларида ечим топилмаётган муаммолар ҳал этилган, айниқса, илмий изланишлар олиб бораётганлар юксак ютуқларга эришгани, хунарманд ва тадбиркорларнинг иши юриши кетгани қайд этилган.

Кўп йиллик қузатувларга қараганда, балиқ йили доимо кут-барақали келган. Ёнгирчилик кўп бўлиб, қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олинган, дон-дун сероб бўлган, чорваннинг барорини берган.

Шу ўринда яна бир гап. Туркий халқлар орасида олтин ва кумушдан ясалган қимматбаҳо буюмларни мучал ҳисобига киритилган ҳайвонлар тасвири билан безаш аънанаси мавжуд. Бу аъна бугунгача сақланиб

келмоқда. Масалан, ўзбек амалий санъатида балиқ нақши жуда кенг тарқалган бўлиб, хунармандлар ўз асарларига "Балиқ думи", балиқ тумшуги кўринишидаги "Балиқ тумшук" каби нақшларни туширса, пичоқсозлар тиг дастасини, асосан, "Балиқ кўзи" нақши билан безайдилар. Кейинги йилларда бу усулдан заргарлик санъатида ҳам мохирона фойдаланилаётгани қувонарлидир.

Кўриниб турибдики, буларнинг замирида узоқ йиллар мобайнида исботини топиб келаётган бир ҳақиқат — балиқнинг серхосият эканлиги, унинг номи билан аталувчи йил фўнгуз барақали келиши мужассамдир.

Хуллас, 2012 йил ҳам хайрли келиб, барча соҳаларда ютуқларга бой бўлишига ишончимиз қомил, десак, муболага эмас. **Р. САИДОВ** тайёрлади.

Қувончимиз чексиз

Малика ЖАЛИЛОВА, Янгийўл тумани: — Ота-онам бизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай ўсишимиз, ўқиб-ўрганамиз касб-хунар эгаллашимиз учун барча шароитни яратиб беришди. Мана, энди ўзим ҳам онаман. Қизалогимнинг қувончи



учун, унинг меҳрдан, эътибордан баҳраманд бўлиб ўсиши учун қўлимдан келганича ҳаракат қиламан. Бугунги айём унинг илк Янги йили. Оиламизда қизимизга атаб чиройли арча безатилди, совғалар ҳозирлаб қўйилди. Чунки у туғилганидаёқ шундай ният қилгандик: ҳар бир байрам жажжи малакисиз учун сеҳрли мўъжизаларга бой бўлсин, беғубор болалик хотираларини умрбўйи юраги севинчга тўлиб ёдга олсин. **Шомурот ШАРАПОВ** олган суратлар.

«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 4 январь, чоршанба кўни чиқади.

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 154. 106 447 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Ўзлонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб бериб берилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 19.20 Топширилди — 20.00 1 2 3 4 5

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000. Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров. Навбатчи — Ф. Шералиев. Мусахҳиҳ — С. Исмолов.